

9-СИНФ УЧУН ФАНЛАРАРО ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МАЗМУНИДА ДАРС ИШЛАНМА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

“Педагогика ва психология” кафедраси

в.в.б.доценти Н.Ж.Исакулова

Мавзу: Атроф-муҳит ҳамда иқтисодиёт

Мақсад:

- а) таълимий мақсад: фанлараро экологик билимларни шакллантириш;
- б) тарбиявий мақсад: фанлараро экологик тарбия бериш;
- в) ривожлантирувчи мақсад: фанлараро мантикий тафаккурни ўстириш;
- г) мотивацион мақсад: фанлараро мустақил хулосага келиш.

Жиҳоз: дарсликлар, қоғоз, фламастер.

Услуб: «Пинборд».

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм: Саломлашиш, навбатчи ахбороти, ўқувчиларни дарсга тайёрлаш.

II. Уй вазифасини сўраш ва баҳолаш: «Физика» китобидаги «11. Табиатда шудринг, қиров, туман, булут ва ёғинлар ҳақида билиш» мавзусини сўраш ва баҳолаш.

III. Янги мавзу: Атроф-муҳит ҳамда иқтисодиёт.

Азиз ўқувчилар бугунги дарсимизни фанлараро алоқадорликда олиб борамиз. Мазкур вазифани ишлаб чиқишда табиий фанлар алоқадорлигида экология ҳақидаги билимларимизни умумлаштирамиз. Ҳар бир ўқув фанларидаги аниқланган экологик мазмундаги мавзуларни «Пинборд» усулида ўрганамиз. «Иқтисодий билим асослари» фанидан «1 мавзу. Иқтисодиёт билан танишув» мавзуси ва «География» фанининг «7-§. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши» мавзуси ёрдамида бугунги мавзуимизни ўзлаштирамиз.

«Атроф-муҳит ҳамда иқтисодиёт» мавзусидаги мунозарани қуйидаги саволлар орқали тезлаштирилади:

- > Иқтисод нима?
- > Иқтисодиётнинг қандай таркибий қисмлари мавжуд?
- > Иқтисодиётда одам қандай фаолият кўрсатади?
- > Табиатнинг роли қандай?

> Иқтисодиётда сунъий муҳит нима?

> Табиатни энг кўп қандай ишлаб чиқариш тармоқлари ифлосламоқда?

> Табиатни муҳофаза қилишнинг қандай муҳим йўллари бор?

> «Экологик сиёсат» нима?

Мазкур саволлар асосида мунозара вақтида мавзу ишлаб чиқилади. Мунозара давомида шаклланган фикрларни асосий хулосалар кўринишда қоғоз варағида доскага илиб кўядилар. Синфдаги 2-3 ўқувчи ўртоқлари билан

маслаҳатлашган ҳолда мазмунига қараб маълумотни тартиблайдилар ва гуруҳларга куйидагича бўладилар:

- Инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур неъматларни яратишга қаратилган хўжалик юритиш тизими;

- Иқтисодиётнинг таркибий қисмлари – табиат, одамлар ва одамлар томонидан яратилган барча нарсалар;

- Одам ўз меҳнати, ақл-идроки эвазига иқтисодиётни ҳаракатга келтиради;

- Табиат иқтисодиётнинг хомашё омборидир;

- Инсон қўли билан яратилган нарсалардан таркиб топган сунъий муҳитдир;

- Завод ва корхоналар;

- Турли чиқиндиларни тозаловчи тизимларни барпо этиш, ифлос ёқилғиларни ишлатишдан воз кечиш ахлатларни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, ишдан чиққан ерларни реколтивация қилиш, ҳар томонлама уддалайлай оладиган янги технолгк имкониятлардан фойдаланиш, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда «ифлос» ишлаб чиқариш тармоқларидан ҳоли қилиш;

- Экология фани талаб ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда бизни ўраб турган табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштиришга, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни бойитишга қаратилган сиёсатлар мажмуасидир.

Стрелка, чизик ва бошқа белгилар ёрдамида уларнинг ўзаро муносабати: бир бутун ёки қарама-қарши эканлиги кўрсатилади.

IV. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш: такрорлаш.

V. Уйга вазифа: «Пинборд» усулида ўрганамиз. «Иқтисодий билим асослари» фанидан «1 мавзу. Иқтисодиёт билан танишув» ва «География» фанининг «7-§.Атроф-муҳитнинг ифлосланиши» мавзуларини ўқиш.

Изоҳ: Мазкур дарс ишланмалари предметлардаги боғланиши мавжуд бўлган мавзулар асосида ишлаб чиқилади.